

2022й 16, 11

Андижон шаҳар

Ушбу пудрат шартномаси «Буюртмачи» деб аталувчи Андижон Вилоят юкумли касалликлар шифохонаси номидан Низом асосида иш олиб борувчи бош шифокор Г.Ибрагимов бир томондан ва «Пудратчи» деб аталувчи “NURULLO DIYOR QURILISH” МСИJ ва унинг номидан низом асосида иш олиб борувчи директор Ж.Тусматов иккинчи томондан келишув асосида амалдаги конунларга мувофиқ тузилди.

### I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. «Пудратчи» мазкур 14.11.2022 йилдаги лот №22110012175966 сонли эълонга асосан шартнома шартларига мувофиқ Андижон Вилоят юкумли касалликлар шифохонасида жорий таъмираш ишларини бажариш мажбуриятини олади. «Буюртмачи» яса «Пудратчи»га таъмираш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва туловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

### II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар «Буюртмачи» томонидан тасдикланган сметага ва ташлов комиссиясининг қарори билан тасдикланган ишлар киймати (барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда) га асосан жорий нархларда 422 000 000 (*Турт юз йигирма икки миллион*) сўм, тегишли хисоб рақамдан амалга оширилади.

2.2. Бажариладиган ишлар киймати узил кесил хисобланиб, фақатгина ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажкор холатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Газначилик бўлимидаги рўйхатта олингандан сўнг «Буюртмачи» бажариладиган ишлар умумий кийматининг 30 фоизини яъни 126 600 000 (Бир юз йигирма олти милион олти юз минг), сумни олдиндан аванс тарикасида «Пудратчи»нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Бажарилган ишлар учун тўловларнинг қолган 70 фоизи яъни 295 400 000 (Икки юз туксон беш милион турт юз минг) сумни «Пудратчи» томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси Ф-2 ва бажарилган ишлар кийматлари тўгрисидаги маълумотномалар Ф-3 буюртмачининг таклиф килган тулов жадвалига асосан хисоб китоб килади.

2.5. «Буюртмачи» охирги тўловни «Пудратчи» томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, кабул килиш – топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар кийматлари тўгрисидаги маълумотномалар асосида ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун кафолат муддати бир йил

### III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҶУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 3.1. «Пудратчи»нинг мажбуриятлари

Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган обьектни «Буюртмачи»дан далолатномага асосан кабул килиб олади.

Мазкур шартномада илова қилинадиган тўлов жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови амалга оширилгандан бошлаб 3 кун муддат ичида ишларни бажаришга киришади ва ишларни бажариш календар графигига асосан 10 кун муддатда ишларни бажариб топширади.

Барча ишларни тасдикланган смета хужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда «Буюртмачи»га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

#### 3.2. «Пудратчи»нинг хуҷуклари

Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс хақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла хажмда хисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул килиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

#### 3.3. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари

Тасдикланган смета бўйича бажарилган ишларни қабул килиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида хақ тўлаш;

#### 3.4. «Буюртмачи»нинг хуҷуклари

«Пудратчи»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўгрilаниши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

«Пудратчи»дан шартномада курсатилган ишларини қабул килиш комиссияси иштирокида лойиха хужжатлари асосида ишни сифатли бажарган холда қабул қилиб олиш;

«Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

#### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. «Пудратчи» объектни ўз вактида топширмаганлиги учун «Буюртмачи»га хар бир кечикирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган кисмининг 0,5 % микдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеня суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 % идан ошмаслиги керак.

4.3. Аникланган нуксон ва камчиликлар «Пудратчи» томонидан ўз вактида бартараф килинмаса «Буюртмачи» тўловлар тўхтатилади. Лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20 % и микдорида «Пудратчи» жарима тўлайди.

4.4. Бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан ўз вактида хақ тўланмаса, хар бир кечикирилган кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 % и микдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечикирилган тўловларнинг 50 % и микдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган тарафни иккинчи тарафга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплаш жавобгарлигидан озод этмайди.

#### V. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАР

5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки кисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва бу холатлар шартларини бажарилишига бевосита тъсири эта томонларнинг жавобгарлиқдан озод этилиши Конун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқлади.

#### VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофик ўзгартерилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро мухокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро мухокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса Конун хужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суди орқали хал этилади.

#### VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, худудий Фазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан кучга кириб, 31 декабрь 2022 йилгача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам хуқуқий жихатдан teng кучли хисобланади.

#### VIII. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив хужжатларида Коррупсияга карши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши хақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлади.

8.2. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Йетказиб берувчининг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида харакат қилиб, Йетказиб берувчининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив хужжатларининг Коррупсияга карши тегишли шартлари ва талабларига катъий риоя етиш мажбуриятини олади.

#### IX. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

##### «ПУДРАТЧИ»

“NURULLO DIYOR QURILISH” МСНҚ

Манзил: Избоскан туман Узун кўча 49

х/р: 20208000605308633001

Банк номи: АТ Саноат-Курилиш банк Андижон

митакавий филиали

МФО: 00440 ИНН: 307929324



Рахбар

Ж.Тусматов

Муассине

Андижон вилоят Юқумли касалликлар шифохонаси

Манзил: Андижон ш. Ю.Отабеков 5

СТИР: 200237086 ОКОНХ: 91511

Шх/в: 100021860034017073201054006

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Фазначилиги

Банк номи: Марказий банк ББ ХКМ Тошкент ш

Ягона Фазначилик хисобвараги СТИР: 201122919

Шх/в/н: 23102000500100001010, МФО:00014

Ф.Ибрагиев



Муассине  
V. Ибрагиев.